



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 47 (10.100)

2004 ЙИЛ 11 МАРТ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 март куни Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) ижрочи котиби Чжан Дэгуанни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ташкилот доирасида ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан мамнуният билдирди.

Маълумки, ташкилотнинг шаклланиш жараёни тўлиқ ниҳоясига етказилиб, унинг таркибий тузилмалари ишга туширилди — Пекинда котибият, Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси фаолият бошлади. Энди ШХТ ўзининг вазифаларини бажаришга киришмоқда.

Жумладан, ташкилотнинг илгариги олий даражадаги учрашувлари ташкилий масалалар, ШХТ фаолиятининг йўналиш ва тамойилларини белгилашга бағишланган бўлса, жорий йилнинг июнь ойида Тошкентда ўтказилиши мўлжалланган саммитида унинг олдида турган вазифалар, доллар муаммоларга эътибор қаратилиши кутилмоқда.

Ч.Дэгуаннинг ташрифидан кўзланган яна бир мақсад шу саммитга ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари юзасидан фикр алмашишдир.

ШХТ минтақада хавфсизликни таъминлаш борасида олти аъзо давлат — Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг баҳамжихат ҳаракатига йўл очди. Ўзига хос жиҳати шундаки, ташкилотни тузиш мақсадлари сирасига кўп томонлама асосда савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари ҳам киради.

Оқсаройдаги учрашувда ШХТ фаолияти, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлиқни мустақамлаш, Ўзбекистон-Хитой муносабатлари, Афғонистондаги вазиятга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Ижрочи котиби Чжан Дэгуан ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) Ижроия қўмитаси директори Вячеслав Қосимов билан учрашди.

ШХТ ВАКИЛИ БИЛАН УЧРАШУВ

Сўхбат чоғида тузилма фаолияти билан боғлиқ амалий чора-тадбирларга оид масалалар муҳокама қилинди.

ШХТнинг 2003 йил май ойида ўтган Москва саммитида МАТТ Ижроия қўмитасини Тошкентда ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Жорий йилнинг 1 январидан пойтахтимизда мажмур қўмита иш бошлади.

Тузилма ШХТнинг доимий фаолият юритувчи органи ҳисобланади.

Унинг асосий вазифаси террорчиликка қарши курашишда ташкилотга аъзо давлатлар махсус хизматлари ва ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уларнинг бирликлдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириб туришдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан:

муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — резервга; муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — захирага бўшатилин.

2. 1977-1986 йилларда тузилган, чақирилиш муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2004 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга қабирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда қабирилиш муддатини кечиктириш ва қабирилишдан овоз этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мо-

байида Қуролли Кучлар сафига қабирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервиге олинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда, Қуролли Кучларнинг чақирилувчилар билан сифатли бутланишини таъминлаш мақсадида, жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини, шунингдек Қуролли Кучларга муддатли ҳарбий хизматга қабирилган фуқароларни қўшилларга тантанали кузатиб қўйишни ташкил этсинлар.

Давоми 2-бетда.

XXI саҳоси

Барча маънавлардан олқинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Кеча Россия Тиббиёт фанлари академиясининг А.Н.Бакулев номи юрак-қон томир жарроҳлиги илмий маркази ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзасидан битим имзоланди.

• Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурида идоралараро Кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

• «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги талабалар ўртасида ўтказиладиган профилатик ишларнинг комплекс режасини ишлаб чиқди. Унга кўра семинарлар, конференциялар, спорт мусобақаларини ўтказиш, шунингдек ёшларни кексалар, етим болалар ва ногиронларга ёрдам кўрсатиш бўйича кўнглиллар фаолиятига жалб этиш кўзда тутилади.

• Наврўз байрами арафасида Тошкент шаҳридаги «Канон Фарма» фирмаси Ўзбекистон бозорига янги маҳсулот — ундирилган бугдой экстрактидан тайёрланган «Сумалавит» биологик фаол озукка қўшмасини тақдим этди.

• Республика Товар хом ашё биржасида юртимизда ҳўжалик юритувчи субъектлар учун автомобиль бензини ва дизель ёнгилғиси бўйича навбатдаги электрон биржа савдоси бўлиб ўтди. Бундай савдолар Тошкентда ва биржанинг Қорақалпоғистон республикаси ҳамда барча вилоятлар марказларидаги филиалларида ўтказилди.

Жаҳонда

• Россия Президенти Владимир Путин ҳукуматининг янги таркибини эълон қилди. Мамлакат ҳукумати 30 кишидан 17 кишига қисқартирилди.

• БМТ Гаитига зудлик билан инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун 35 миллион АҚШ доллари зарурлигини айтиб халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилди.

• Латвия парламенти Индулис Эмисс бошчилигидаги коалицион ҳукуматни тасдиқлади. Шу тариқа Латвиядаги сиёсий инқироз барҳам топди.

• Гаити Олий судининг собиқ раиси Бонифас Александр мамлакат Президенти вазифасини бажарувчи сифатида қасамёд қилди.

• Македония Президенти ўтган ой охирида авиаҳалокат натижасида ҳаётдан кўз юмганлиги сабабли Македонияда 14 апрель куни мамлакат Президентлигига муддатидан олдин сайловлар бўлиб ўтди.

• АҚШнинг Гуантанамо ҳарбий базасидаги қамқонналарда сақланаётган Буюк Британиянинг 9 фуқаросидан бештаси ўз ватанларига қайтариладиган бўлди.

ПОЙТАХТНИНГ ОҚ ҚУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКАРА

• **КЕЧА** Собир Раҳимов туманидаги Мирзо Ғолиб номи маҳалла гузаридида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг бошланғич ташкилотини тузишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• **БУГУН** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг бошланғич ташкилотини Шайхонтоҳур туманидаги «Оруз» хиссадорлик жамиятида ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Ўрқаролик жамияти сари

ОҚИБАТ ВА ОБОДЛИКНИНГ МУҚАДДАС МАСКАНИ

КЕЧА пойтахтимизда Обод маҳалла йиғида бажарилган ишлар ҳамда Меҳр ва мурувват йилидаги режалар юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга бағишланган маҳалла фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Маҳалла... Ҳар биримизга яхши маълуки, ҳаётимиз мазмун-моҳиятини акс эттирувчи маҳалла ахлоқ ва одоб, маънавият ва маърифат, ўзаро ҳурмат ва эҳтиром, меҳр ва оқибат каби энг эзгу умуминсоний ва миллий қадриятларни ўз ичига олган ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб институти деб эътироф этилган. Шу боисдан ўз муаммолари, қувонч ва ташвишлари билан ўртоқлашиш истагида бўлганларга ҳар доим бағри кенг маҳалла катта оиланинг боши деб тенглаштирилиши ҳам бежиз эмас. Айнан шу муқаддас даргоҳда муҳтожлар ҳаётий таърибага эга доғишманд отахон ва онахонлар ўғит-

ларидан сабоқ олиши, саховатпеша инсонларнинг беминнат ёрдамларидан баҳраманд бўлишига имконият яратилган.

Азал-азалдан ўзбек халқининг томирига сингиб кетган жамоа билан яшашнинг бундай демократик тамойилларига асосланган ўзига хос аънавалари ҳозирги пайтда, фуқаролик жамиятига ўтиш даврида маҳалланинг бошқа жамоат ташкилотларидан фаркли ўлароқ етакчи куч даражасига чиқишига замин бўлди десак адашмаймиз.

Давоми 2-бетда.

Иқтисодиёт

ЯНГИ ДЕЗИНФЕКЦИЯ ВОСИТАСИ

Тозалик, озодалик саломатлик гаровидир. Саломатликни таъминлашда, турли инфекцияларни йўқотишда эса дезинфекцияловчи воситаларнинг ўзига хос ўрни бор.

Айниқса, ушбу воситаларнинг тез ва самарали натижа кўрсатадигани, ишлатишда қулай, ёқимли ҳидга эга бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Пойтахтимизда ўтган йил охирида иш бошлаган «AVISENNA—AROMA» масъулияти чекланган жамиятида ана шундай дезинфекция воситасининг янги тури — «SEPTAKSIN» ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу восита хона юзлари, қаттиқ мебель, санитария-техник жиҳозларни, даволаш-профилактика мақсадида бактериал этиологияли юқумли касалликларда, вирусли инфекцияларда, ВИЧ-инфекцияда, канديدоз дерматомитиларда, беморларнинг парваришlash бўюмлари, тиббиётда ишлатилган бўюмлар, шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш хоналари, умумий овқатланиш жойлари ва болалар масканларда дезинфекция учун тавсия этилади. Дезинфекция ва санитария учун ишлаб чиқарилаётган ушбу янги восита Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2003 йил 27 август лицензиясига қўра тайёрланмокда.

— Ҳозирда масъулияти чекланган жамиятимиз Марказий Осиёда ягона мана шундай янги дезинфекция воситаси ишлаб чиқарувчи жамоалардан саналади, — дейди корхона раҳбари Иброҳим Турсунов. — 1 литрлик идишларда тайёрланган ушбу воситанинг қафолат мuddати 5 йилни ташкил этади. Ҳозирда восита тайёрлаш учун хом ашёни асосан хориждан олиб келямиз. Буюртмачиларимиз сафи кенгайиб бормокда. Шу боисдан ҳам жорий йилда 100 тонна «SEPTAKSIN» ишлаб чиқаришни режалашганмиз.

Корхона тадбиркорлари келгусида махсуслот экспортини йўлга қўйиб, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўлишни кўзда тутишган.

САВДО УЙЛАРИ ОЧИЛАДИ

«TALYANA» хусусий фирмасида тайёрланаётган эркаклар костюм-шчилари ички бозорда ўз хараидорига эга бўлиш билан бирга корхонанинг Қозғистон ва Қирғизистонда фаолият кўрсатаётган савдо уйлари орқали хорижий харидорларга ҳам маъқул келмокда.

Бунинг асосий боиси замонавий бичимдаги сифатли матолардан тикилаётган махсуслотлар жаҳон андозалари даражасида тайёрланаётганидир. Корхона цехлари Япониядан келтирилган юксак унумли тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган. Ушбу дастгоҳларни 40 нафар малакали чеварлар бошқаришмокда. Махсуслот сифати орган сари харидорлари сафи ҳам кенгайиб бормокда. Шу боисдан ҳам тадбиркорлар ҳозирда 1,5 минг квадрат метр майдонда янги корхона бунёд этиш ишларини бошлаб буюришди. Янги цехлар ишга тушган, 20 та йигит-киш иш билан таъминланган. Шунингдек, улар жорий йилда экспорт ҳажмини ошириш мақсадида Россия Федерацияси ва Тожикистонда савдо уйлари очилишни режалашган.

Шарофат БАХРОМОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган мuddатларини ўтаб бўлган фуқароларнинг бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги қақирув тўғрисида

Давоми. Боши 1-бетда.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Ф.Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ф.Ғуломов) билан биргаликда қақирув участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, қақирувчиларнинг зарур лаборатория текширувлари ўтказилишини, уларнинг турли истисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан сифатли ва ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этсин. Қақирувчиларни тиббий текширишнинг ҳолислиги муқобил тиббий комиссияларнинг самарали ишлашини ташкил этиш орқали таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ.Ф.Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.А.Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.П.Иноятлов), ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари:

муддатли ҳарбий хизматга янгидан қақирланган ҳарбий хизматчиларни қўшилмаларга ва қисмларга қабул қилишда юксак ушқоқлиқни, ҳарбий интизомни, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини, мuddатли ҳарбий хизматга янгидан қақирланган ҳарбий хизматчиларни ҳарбий мутахассисликларга ўқитиш жараёнида хавфсизлик чора-тадбирларига риоя этилишини, ҳарбий хизматчиларни миллий-маънавий кадриятлар ва замонавий ҳарбий аъёнлар асосида маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;

янгидан қақирланган шахсий таркиб учун зарур уй-жой-маиший шарт-шароитлар яратилиши ва жиҳозлашини, уларнинг белги-

ланган талабларга ва таъминот нормаларига мувофиқ ўз вақтида ва сифатли моддий таъминлашини;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳалла қўмиталари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда мuddатли ҳарбий хизматнинг белгиланган мuddатини ўтаган фуқароларни тантанали кутиб олиш ташкил этилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (О.О.Обидов) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда Қуролли Кучларда бўшатишдан фуқароларни уларнинг эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар давлат муассасалари, ташкилотлари ва корхоналарига ишга қабул қилишда мардлик ва ватанпарварлик тарбиясининг армия мактабини ўтаган, ҳарбий тайёргарлик қўнун ва ҳаётий тақрибга орттирган, мамлакатнинг энг фаол ва тайёргарлик қўнун кадрлар захираси ҳисобланган шахслар сифатида бошқа тенг шароитларда (таълим, касб малакаси ва бошқалар) устунлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (С.С.Ғуломов) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Давлат тест маркази (Б.М.Исмоилов), алоқадор вазирликлар, идоралар билан биргаликда:

мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларнинг

ролардан бўлган шахсларни олий ўқув юртиларига ўқишга кириш учун сифатли тайёрлаш мақсадида зарур шарт-шароитлар яратсин; мамлакатнинг олий ўқув юртиларига ўқишга кириш учун тест синовлари ўтказишда мuddатли ҳарбий хизмат давомида жанговар ва иқтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори кўрсаткичларга эришган ҳамда ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларини олган фуқаролар учун энг юқори тупланадиган баллнинг 20 фоизи миқдоридида қўшимча баллар тарзидagi қўнун ҳужжатларида белгиланган имтиёزلарни ҳисобга олсин.

8. «Ўзтелерадио» компанияси (А.К.Кўчиров), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқўлов) ёшларни Қуролли Кучларда хизмат қилишга тайёрлашнинг бориши, фуқароларни мuddатли ҳарбий хизматга қақираниш амалга оширилиши, қақирув комиссиялари иши, сафарбарлик қақирув резервида хизматнинг ташкил қилиниши ва Қуролли Кучлардан резервга бўшатишдан ҳарбий хизматчиларни жойларда кутиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилиши оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсинлар.

9. Маъзуқ қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2004 йил 10 март

Фуқаролик жамияти сари

ОҚИБАТ ВА ОБОДАЛИКНИНГ МУҚАДДАС МАСКАНИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Ўзини ўзи бошқаришнинг тўлиқ ҳуқуқи мавқеига эга бўлган маҳалла бугунги кунда давлат бошқарувининг кўпгина иқтимоий-иқтисодий йўналишдаги вазифаларини жойларда бошқариш билан алоқадорлиги сезиларли даражада олганлиги намойён этилди. 452 та маҳаллада ўтказилган савдо уйларида жараёнда 1,2 миллион сай-ловчилар номидан 40 мингдан зиёд вакиллар иштирок этиб, ҳар бир ўринга даъвогарлик қилган бир нечтадан номзодлар орасидан энг муносибларини танлаш ҳуқуқидан фойдаланди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, саралашларнинг 43 фоизи биринчи марта оқсироклик вазифасида ишлаган муваффақ бўлди. Маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг 83 фоизи олий маълумотли эканлиги, уларнинг деярли 10 фоизи аёллардан иборатлиги ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда маҳаллалар обрў-эътибори тобора ошиб бормокда. Аммо, йиғилишда таъкидланганидек, маҳаллаларда мавжуд, бироқ ҳаётда ўз инфоқасини топмаган имкониятларни инобатга олган ҳолда туман ҳокимликлари, меҳнат биржаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда ўзини ўзи бошқаришнинг бошқа бир тузилмаси бўлиши уй-йўл мулкдорлари ширкати билан ҳамкорликдаги фаолият тегишли тарзда олиб бориладиган, юқорида қайд этилган ижобий кўрсаткичлар дорасини янада кенгайтиришга эришиш мумкин бўлар эди. Қолаверса, айнаиб бу борадаги ҳаракатларда ҳануз аниқлик ва изчиллик етисмаслиги жойларда муаммолар илдиз этиб бориши, маҳалланинг обрўсига салбий таъсир кўрсатаётган баъзи ноқуш ҳолатлар юзага келишига сабаб бўлмокда дейишга ҳақимиз. Афсуски, бу фақат ободончилик ишлари сифатида тааллуқли эмас, албатта. Долзарб бўлиб қолаётган муаммолардан бири ишсизликдир. Бугунги кунда 40 мингдан

зиёд киши иш билан банд бўлиш ҳаракатида. Бироқ шунга қарамайдан, жойларда бу йўналишда аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган, шу жумладан айрим мутасадди идоралар ҳам ўз масъулиятига лоқайдлик билан ёндошайётганини очик айтиш лозим.

Ўсиб келаятган авлоднинг тарбиялаш масаласи, хусусан, ўсмир ёшларнинг ўқитишдан бўш вақтини унумли ўтказиш, кўнглига яқин иш билан машғул бўлиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун керакли шарт-шароитлар тўлиқ яратилмагани ҳам кишини ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Ушбу масалани маҳалла негизидида ўзига хос тизим мавжуд; бир томондан педагог-тарбиячи вазифаси қўйилган бўлса, «Камолот» ЎХнинг вакиллари ҳам ўзини ўзи бошқариш органи тузилмасида фаолият кўрсатади. Лекин бу борадаги ишларнинг таъсирчанлиги ҳақида гап қилиш ўринсиз бўлиб қолмокда. Ёшлар масаласи ҳокимликлар эътиборидан четда қолаётгани ҳам сир эмас. Бундай муносабат эса, ўз навбатида, ўқил-қўзларни маҳалла ҳаёти, унинг хайрли ишларида иштиёқ билан иштирок этишга нима унунда масъулияти тушунаш қийин эмас.

Маҳаллаларда урф-одат муассамаларини таъминлаш, хусусан тўй-ҳашаматларни тартибга солиш, даб-дабозликларнинг олдини олиш масалаларида қонқирлиги натижаларга эришилгани йўқ. Ҳокимликлар, айрим жамоат тузилмалари томонидан турли маросимларни исрофгарчилик, кам харажатли қилиб ўтказиш юзасидан қўнчиликка маъқул тушган ва қўнлаб-қўватланган қўнша лойиҳалар ишлаб чиқилган бўлсада, аммо амалиётда улар кенг тарзда таъбиғий топа олмагани ачинарли ҳолдир.

Ўз-ўзидан бундай вазият маҳаллаларда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар савиясига тегишли баҳо беришга ўқрайди. Афсуски, ушбу йўналишдаги тадбирларда шу кўнча қадар фақат ушган аҳоли қатлами қатнашиб келмокда, ноқибил оилалар,

шунингдек баъзи даромади катта бўлган оилалар эса эътибордан четда қолмокда.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг қўйидаги фикрларини келтириб ўлиш ўринлидир: «Маҳалла тизимининг янада ривожланишига алоҳида эътибор беришимиз зарур... Маҳалла жамоатчилик назоратини ташкил этишда қўнлай саломият ва имкониятларга эгаки, улардан ҳали-вери тўлиқ фойдалана олганимиз йўқ...»

Дарҳақиқат, маҳаллада, жумладан камчиликлар ҳам, имкониятлар ҳам, барча нарсаси маълум ва қўнчилик қўз ўқинадир. Шуларни инобатга олган ҳолда, олиб борилаётган барча савобли ишларга, эзгу ишга, шу жумладан маҳаллаларимиз негизини янада қўнлайтиришга жамоатчиликнинг эътиборини, бор қўн ва имкониятларини сафарбар қилиш мақсадида Ўртобшимиз томонидан жорий йил Меҳр ва муруват йили деб эълон қилинди. Албатта, бу борадаги дастурий чора-тадбирлар рўёбга чиқишида маҳаллага катта масъулият юқлатилган бежиз эмас. Меҳр ва муруват тушуналарини айнаиб маҳаллада муқас-самат этилган бўлиб, у нафақат муқотларга гамқўрлиқни ифода этади. Меҳр ва муруват ибораси замкирида шунингдек, жамиятда ақиллик, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини муқтаамлаш учун барча шароит ва имкониятларни яратиб бериш, ушбу жараёнда маҳалланинг ролини янада қўнлайтириш мақсади тушу-нилади.

Маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилган йиғилишда «Меҳр ва муруват йили» дастури бўйича биринчи галдаги вазифалар муқомада этилди, туман ҳокимлари ва тегишли тузилмаларнинг раҳбарларига маҳалла эътиёжларига яқинроқ ёқайди, масъулиятни қўнлайтириш, барча масалаларда, шу жумладан уларнинг моддий ва маънавий таъминоти бўйича ишларни фаоллаштириш, қолаверса маҳалладаги маънавий муҳитни муқтаамлаш ва барқарорлаштириш, уларни ҳаққий оқибат ва ободлик маскани даражасига қўнлайтириш йилида барча сай-харақатларини аямаслиги зарур, дея таъкидланди. Биринчи маротаба кенг доридида ва очик муқот тарзда ўтган йиғилиш давомида долзарб бўлиб қолаётган бир қатор масалаларга оидкилик қўнлайтиришга эришилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Саъйи

МАРКАЗ
ФАОЛЛИГИДА

Тошкентдаги Виктор Гюго номидаги француз маданияти маркази томонидан уюштирилаётган тадбирлар жойларда қизиқиш уйғотмоқда. Марказ саъй-ҳаракати билан ташкил этилган навбатдаги тадбир эса француз тасвирий санъатида шаклланган анъанавий бадий услублар мавзусига бағишланди.

Ушбу кўргазмада мазкур йўналишда яратилган энг яхши картиналар намуналари намойиш қилинди. Бу қизиқарли экспозиция доирасида ўтказилган семинар француз мумтоз ва замонавий тасвирий санъат асарлари таҳлилига бағишланди.

Тошкентдаги санъат ва дизайн институтида уюштирилган анжуманда Ўзбекистон Бадий академиясидан вакиллар ҳам иштирок этдилар.

УЛУҒ ШОИР
СИЙМОСИ

Ўзбекистон халқ расами Равшан Миртожиев томонидан яратилаётган монументал асарлар орасида улуг сиймоларга бағишланган ҳайкаллар ҳам бор. Ўзбек шеърятининг буюк даҳоси Алишер Навоий сиймоси акс этган улкан ҳайкаллардан бири Москвада қад кўтарди.

Ҳайкалтарош Навоий образини гавдалантирувчи яна бир иход намунасини ниҳоясига етказди. Ўзбекистон Бадий академияси томонидан яхши баҳоланган бу санъат ёдгорлиги Японияда ўрнатиладиган бўлди.

Кунчиқар мамлакатнинг Соко санъат ва маданият университети ҳудудида қад кўтарилган бу ҳайкал пойга улуг шоирнинг халқлар дўстлигини мадҳ этувчи мисраларни ўзбек, япон ва инглиз тилларида ёзиб қўйилди.

Унинг очилиш маросими биринчи апрелда олий ўқув юртида ўтказиладиган талабалар куни шодиёнасига улашиб кетади.

ИНСТИТУТ
ҲОМИЙЛИГИДА

Мамлакатимизда Ўрта Осиё маданияти ва санъати анъаналарига оид китоблар ҳам чоп этилмоқда. Бундай қизиқарли нашрлардан дастлабкиси атоқли ўзбек бастакори Мутал Бурхонов ҳаёти ва ижодига бағишланди.

Мусикашунос олим Янов-Яновский томонидан ёзилган бу тўпламни босмага тайёрлашда очик жамият — Ўзбекистон кўмак институту яқиндан ёрдам берди.

Мазкур нуфузли илмий муассаса ҳомийлигида яқинда «Ўзбекистоннинг этник атласи» китоби ҳам чиқарилиди. Ҳозир республикамиз мусиқа санъатига оид яна қатор тўпламларни чоп этиш устида иш олиб боришмоқда.

Акбар АЛИЕВ

Тошкентим —
боғу бўстонимТУМАН ЯНАДА
ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Гўзаллик, нафосат фаслидан юртимизнинг ҳар бир гўшаси ўзгача тус, ўзгача чирой очмоқда. Ободончилик ишларининг қизгин тус олиши эса унинг кўркемчилигини янада оширмоқда.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида ҳам баҳорги юмушлар авжида. Айни пайтда Халқлар дўстлиги кўчасида ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Ўтган йили ушбу кўчага 300 дан зиёд арча кўчатлари, дўлана дарахтлари ўтказилган бўлса, бу йил кўча юзасидаги 200 дан ортиқ манзарали дарахтларга шакл берилиб, тағлари юмшатилади.

— Чилонзор шаҳримизда энг сердарахт туманлардан биридир, — дейди туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Ҳамза Холмуродов. — Ҳозирда туманимизда 20 мингдан ортиқ манзарали дарахтлар кўкка бўй чўзмоқда, бундан ташқари ҳар йили кўплаб манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиб борилади. Шаҳар табиати

муҳофаза қилиш кўмитасидан яқинда яна 500 га яқин кўчатлар олдик. Асосан кўча юзасига дуб, чинор ва кўплаб манзарали дарахтлар экишга ҳаракат қиламиз. Бу дарахтлар қуюқ баргли бўлганлиги учун кўпроқ соя беради.

Шаҳримиз кўчаларини албатта гулларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирда туман ободонлаштириш бошқармаси ходимлари томонидан туман ҳудудида 6000 га яқин атиргул экилди. Шунингдек, туманнинг Чўпонота, Фарҳод кўчаларига 20 минг донатош гуллардан ташқари бир йиллик гул кўчатлари ўтқазилмоқда. 26 та марказий чорраҳаларда гулзорлар ташкил қилиниб, катта-катта гулдонларга баҳорги ва

ди. Ҳозирда туман ободонлаштириш бошқармаси ходимлари томонидан туман ҳудудида 6000 га яқин атиргул экилди. Шунингдек, туманнинг Чўпонота, Фарҳод кўчаларига 20 минг донатош гуллардан ташқари бир йиллик гул кўчатлари ўтқазилмоқда. 26 та марказий чорраҳаларда гулзорлар ташкил қилиниб, катта-катта гулдонларга баҳорги ва

ёзги гуллар экилмоқда.

Тумандаги ариқ-зовурларнинг узунлиги 340 километрни ташкил қилиб, шулардан 169 километри марказий кўчаларда жойлашган, 30 га яқин марказий кўчаларда жойлашган ариқ-зовурлардан оқава сувлар ўтганлиги боис йилда 3-4 мартадан тозалаб турилади. Шунингдек, ҳозирда 23 мингга яқин дарахт кўчатлари оқлиниб, тағлари юмшатилади.

Баҳор фаслида ҳашар ишлари ҳам қизгин давом этади. Наврўз байрами шодиёналари айнан Чилонзор тумани ҳудудида ўтказилиши боис Бешёғоч майдони, Фурқат ва Ўзбекистон кўчаларида ҳозирда умумий ҳашар ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, туман ҳокимлиги, санитария-эпидемиология назорати ва «Махсустрас» хизмати ҳамкорлигида туман ҳудудида ноқонуний равишда қурилган уйлар ва ноҳўя ташланган ахлатлар уюмлари устидан назорат ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида янги боғ барпо этилмоқда. Байрам муносабати билан ушбу ташилот томонидан тумандаги кам таъминланган оилаларга совғалар ва сихатгоҳларга йўлланмалар ҳам топширилди.

Орзулгул РУСТАМОВА

ДИЛДАН СУХБАТ
КУРИШДИ

Куни кеча Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Ҳамза туман Кенгаши аъзолари Наврўз маҳалласи фаоллари билан учрашиб, дилдан суҳбат қуришди.

— Бу партия, — деди жумладан туман партия Кенгаши раиси Шукрулло Файзуллаев суҳбат чоғида, — ўз мақсади ва интилишлари билан ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, бошқача қилиб айтганда, халқ орзу-умидларига мос келадиган ва Президентимиз таъбири билан айтганда, халқимизнинг оғирини енгил қилишга хизмат этадиган бўлишга интилоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши аъзоси, «Ҳамкор — Текстиль» ишлаб чиқариш фирмаси бош директори Увайс Шокиров ўз сўзида жамиятимиз тарақиётининг ҳозирги ва эртанги босқичида партиянинг ўрни, маъқеи ҳамда вазифалари ҳақида тўхталиб ўтди.

Сухбат мунозарасига айланиб, унда сўзга чиққанлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

(Ўз мухбиримиз)

Иқтисодиёт

МАҚСАДЛАРИ ЮКСАК

Пойтахтимизда кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар сафининг ўсишида, уларнинг иқтисодиётимиз раўнақидаги улушининг ортишида давлатимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлар, кенг имкониятлар самара бермоқда. Ана шундай корхоналардан бири «Don-Kihot» хусусий фирмаси фаолият юритаётганига унча кўп вақт бўлмаганлигига қарамай ўз маҳсулотлари билан миқдорларини мамнун этмоқда.


Мазкур корхона 2002 йилда иш бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб унинг сифатли, хуштаъм ҳамда экологик тоза хомашёлардан тайёрланган майонез ва кетчуплари билан нафақат пойтахтимизда, балки республикамизда ҳам доимий миқдорларига эга.

— Корхонамиз маҳсулотлари сифатли, харидорбоп бўлишига ва албатта, маҳаллий хом ашёдан тайёрланишига асосий эътиборни қаратамиз, — дейди «Don-Kihot» хусусий фирмаси директори Геннадий Ли. — Ишни аввало маҳсулотларимизга харидорлар топиш, буюртмалар қабул қилишни амалга оширишдан бошладик.

Кенг, ёруғ, саранжом-саришта цехда бир хил махсус кийимлар билан таъминланган малакали ишчи-операторлар шведларнинг жаҳонга машҳур «LYCKEBY STARKELSEN» концернининг технологияси асосида сифатли маҳсулот турларини тайёрлашмоқда. Юқори сифатли, юксак самарали технологик линияларда сара хом ашёлардан фойдаланилади.

Ҳозирги кунда корхона жамоаси саъй-ҳаракатлари билан 6 хил турдаги кетчуп ва майонезлар ишлаб чиқаришмоқда. Барча турдаги майонез ва кетчупларнинг сақланиш мuddати анча узоқлиги харидорларни мамнун этмоқда. «Don-Kihot» кетчупи чучук маззани хуш кўрувчилар, «Коррида» аччиқни ёқтирувчилар ҳамда «Испания» эса саримсоқли кетчупни хоҳловчилар учун мўлжалланган.

Бир-биридан мазали, хуштаъм, хушхўр майонезлар: «Провансаль» классик маҳсулот ҳисобланса, «Салатли» эса барча салатларга тўғри келади. «Зайтунли» хушбўй майонезининг ҳам талаб-



горлари кўплаб топилади. Фирма маҳсулотлари 1 ва 0,5 литр ҳажмлардаги чиройли идишларга қadoқланади ҳамда шаҳримиздаги 400 дан ортиқ савдо дўконларига шартнома асосида жўнатилади.

Жумладан, ўтган йили «Ўзқўргазма-савдо»да ўтказилган ярмаркада тузилган шартномаларга кўра «Don-Kihot» Гулистон шаҳридаги «Носиров» хусусий корхонасига, Самарқанд, Навоий, Фарғона каби кўплаб шаҳарларга ўзининг маҳсулотларини мунтазам жўнатишмоқда. Бундай ютуқларга корхона тадбиркорлари тинимсиз меҳнат, изла-ниш, янгиликка интилиш, харидорлар



фикрларини ўрганиш асносида эришмоқдалар.

Ушбу хусусий фирманинг пойтахтда кўплаб ҳамкорлари мавжуд. Масалан, улар маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашёларни: «Green World» қўшма корхонасидан тоmat-паста, крахмал, «Орзу-ош тузи» шўъба корхонасидан сифатли туз, «Баққоллик» савдо базасидан эса сирка олишди, маҳаллий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилардан зирavor ва қўшиқмалар харид қилинади.

Бундан ташқари, «Павла» хусусий фирмасидан идишлар ва «COLORFLEX» қўшма корхонасидан чиройли, бежирим, сифатли этикеткалар келтиришга ўзаро шартномалар тузилган.

Корхона тадбиркорлари ҳозирги кунда ички бозоримизни чуқур ўрганиш учун маркетинг тадқиқотлари ўтказишмоқда. Шу билан бирга, улар банкдан узоқ муддатли кредит олиш, ушбу маблағни корхона учун энг замонавий хорижий ускуналар келтириш ва шу асосда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги маҳсулот турларини кўпайтириш ниятида.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: «Don-Kihot» хусусий фирмасининг ишлаб чиқариш цехида қизгин иш жараёnlари акс эттирилган.

Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар.

«Яхши бола ном келтирар, ёмон бола доғ келтирар», деган нақл бежиз айтилмаган. Ҳеч қайси фарзанд онадан ахлоқи бузуқ бўлиб туғилмайди, у шундай шаклланади, тарбия топади. Бунга асосан оиладаги муҳит, мактаб ва албатта атрофдаги дўстларининг таъсири катта бўлади. Фарзанда тўғри тарбия бериш ота-онанинг бурчидир. Мактаб ёшидаги болаларнинг назоратсиз қолиши кўпичча уларнинг ёмон йўлларга кириб кетишига ва бунинг натижасида салбий ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлиши аниқ.

Кўп қаватли уйнинг тагида йиғилиб турган, чамаси 10-11 ёшлар атрофидаги болалар эътиборимни тортди. Улар сигарета чекиб туришарди. Уларнинг оғизларидан чиқаётган гапларига илон ҳам пўст ташлаб юборадди.

Шу кўннинг гани

«БОЛА — АЗИЗ...»

Йўловчи киши уларга танбёҳ берди. Энди болаларнинг «гажакли» сўзлари у кишига қарата айтиларди. Бири майна қилади, қолгандари эса масҳаралаб кулади. Болаларга гап қор қилмаслигини билган йўловчи «тарбия берганга минг лаънат» дейишдан ўзга сўз тополмади.

Ана сизга келажғимиз бўлган айрим ёшларнинг катталарга ҳурмати. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Уларнинг ҳар бирини таҳлил қилишнинг ҳождати бўлмаса керак деб ўйлаймиз. Чунки бундай воқеаларни ҳар биримиз кунда бўлмаса ҳам кўнра учратамиз. Ота-онаси фарзандим қийналмасин, дея қўлига пул бериб мактабга жўнатади. У пулларни нималарга сарф қилаётганини сўраб-суриштирмайди.

Оқибатда эса кўнгиллар тусанган, яъни тамаки ва шунга ўхшаш нарсаларга пул сарфлашдан тап тортмайдилар. Ҳозир кўпичча болаларни мактабда эмас, ҳар қадамда учрайдиган «Интернет кафе»ларда

хоҳлаган пайтда тарбиялаб оламан, деб ўйлайдилар. Бу ҳаракатлари билан фарзандларига салбий таъсир кўрсатаётганларини ўзлари ҳам билмайдилар. Шундан бўлса керак, бу ўсмирлар на мактабдаги устозини, на катталарни ҳурмат қилишади.

Авалло бола нима биландир машғул бўлиши керак. Масалан,

учратиш мумкин. У ерда турли уйинлар ёки бўлмаса жангари фильмлар кўриш билан вақтларини зое ўтказадилар. Тўғри, ҳозирги даврни компьютерсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин эрта-ю кеч бола ҳар хил уйин ўйнагандан кўра битта китоб варақласа дунёқараши ҳам ўзгарган бўлармиди.

Айбни мактабга, ён-атрофидаги дўстларига қўямиз-у, лекин кўпроқ айб ота-онанинг ўзидадир. Дарсга фарзандим қай даражада қатнашапти, дарсдан кейин нималар билан машғул, дўстлари ким, деган савол аксарият ота-оналарни умуман қизиқтирмайди. Айрим ота-оналар чўнтакларидagi пуллари, бойликлари билан фарзандимни

Мчлоҳаза

ШИРИН СЎЗ — МАЛҲАМ ЭРУР...

Инсон мураккаб-мавжудот. Унинг сийратиди жоҳиллиги донолик, савобу ва гуноҳ қилишга мойиллик, раҳмон ва йтон ишларига бўйин товлаш амаллари бор. Аммо, энг муҳими бизни тўғри, эзгу йўллардан адаштирмасе бўлгани.

Гап шундаки, кундалик турмуш таъшишларидан ортиб ортмай, баъзан кимгадир каттиқ гапириб қўямиз. Ҳолбуки, етмиш икки томиримизда, кимгадир эзгу суҳан айтишга ҳайрихоҳлик, яхши гапларни кўнгилдан чиқариб айтишга истак, тилак бор. Зотан, донишманд бобокалонимиз, улуғ мутафаккир Алишер Навоий:

—Кимки бир кўнгли бузукнинг хотирин шод айлагай, Олча борким, Каъба вайрон ўлса, обод айлагай, — деганлар.

Аммо, негадир, кейинги вақтларда ўзаро кўнгил орғитишлар, кек сақлаш, кимнингдир

ишларига панд бериш истаги кўнглимиз саҳнада куртак отиб бораётган кўринади менга. Кексалар бундай пайтларда: «Кўй, шайтонга ҳай бер», дея амри-маъруф қиладилар. Лекин...

Лекин, айтилган ҳар бир сўз, хайрли амалларга ундаш, ширин суҳанликни тарғиб қилиш билан иш битавермас экан.

Яқинда бир мудқиш (сира ажабланман!) воқеанинг шохиди бўлдим хайратдан ёқа ушладим. Хуллас, шаҳар ичидagi катнов транспортда — «Мерс» автобусида кетардик. Автобус навбатдаги бекатда тўхтади. Одамлар чиқиб, энди кўзгалган

эди ҳамки, кимдир автобус олдидан чопиб ўтди. Тормоз болсилди. Қалқиб кетдик. Энди, руҳсат беринг, ҳайдовчи ака-мизнинг сўзларини келтириб ўтаман.

— Хой... Э-э... фалондай қилай... Кўзингга қараб юрсанг ўласанми?! Кўзми... тешикми?! Э-э... сени...

Қандай: «Э-э...» лардан кўп эшитдик. Тўғри, пиёда йўловчи қондани бузди. Қонуний у айбдор. Кўча ҳаракати қондаларига амал қилиш ҳаммамизнинг бурчимиз. Қолаверса, бу умр гарови... Бироқ...

Бироқ, биз Шарқ кишиларимиз. Автобус салонида ёши улуг онахон-отахонлар бор. Му-сулмон киши нуруний инсон қошида ҳатто бир оғиз ношой-иста гап айтиши буюрилмаган. Шундай экан, ҳайдовчи ака-мизнинг оғзидан чиққан сўзларга қандай баҳо бериш, сизнинг ҳукмингизга ҳавола, ҳурматли газетхон.

«Ўтган кунлар» романидаги Кумушбидининг Отабекдан ихлоси қолиш билан боғлиқ боб эсингиздами?! Аслида

Хидирали ПАНЖИЕВ

Хатлар — ҳаёт ойнаси

Ҳаёт йўли шунчалар мураккабки, унинг ўнқир-чўнқир, эгри-бугри ўқмоқлари бўйлаб қадам ташлашининг ўзи бўлмайди. Шу боисдан ҳам инсон ҳаёти турли хил воқеа-ҳодисаларга бой кечади. Буни тахририятимизга сиз азизлардан келатган мактублар яққол исботлайди. Бугун эълон қилинаётган «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифасини ўқир экансиз, унда баён қилинган воқеаларга, ўй-кечинмаларга бефарқ бўлмайсиз, албатта тахририятимизга мактуб йўллайсиз, 133-08-74 телефонига сим қоқасиз деб умид қиламиз.

Газетхон шиканайдорчилик билдиради

МЕҲР ҚОЛУР, ОҚИБАТ ҚОЛУР

Ҳаёт турли синовларга ҳамшиша бой. Лекин бу машаққатлар ва синовлар муҳитида биз барибир инсонлигимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Сизларга мактуб йўллашга фарзандларимиз сабабчи: менинг икки нафар ўғил-қизим ота-онаси бағрида яйраб во-яга етмоқда эдилар. Аммо бешафқат ўлим болаларимни меҳрибон отасидан, мени эса суянган тоғим, умр йўлдошимдан айирди. Ғам-андухга чўмганимизда биринчилардан бўлиб марҳум эримнинг мишхонасидагилар, хусусан, «Тул-

пор» масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси, саховатли инсон Миролим Зоҳидов бизга моддий ва маънавий қўмакка шошилди...

Орадан бир неча йиллар ўтса-да бу олижаноб инсон ва жамоа аъзолари оиламизни йўқлаб туришади, беғариз ёрдам кўрсатиб келишади. Сир эмаски, орамызда ота-онаси, ёр-биродарлари, ҳат-

қалби дарё, жафокаш, шу билан бирга тирноқларигача меҳр-муҳаббатли бўлиб яратилгандай назаримда. Бу хислатлар билан келажғимиз давомчилари бўлган жондан азиз фарзандларимизни тўғри тарбиялашимиз йўлида давлатимиз томонидан улкан ишлар амалга оширилмоқда. Муҳими эса, ҳар бир инсон меҳр ва мурувватли бўлса, ҳаётимиз янада замонуни ва келажғимиз умидбахш бўлади, деган фикрдаман.

Зумрад МУҲАММАДҚУЛОВА,
Мирзо Улуғбек тумани,
«Қорасув-6» даҳаси.

Мўқилмаган ҳикоялар

ДАРД УСТИГА ЧИПҚОН

Маҳалламизда яшовчи Кабир ака кўп йиллар катта корхонага бошчилик қилган, лавозими мансабнинг ҳадисини олган инсон. Лекин, мансаб ҳам одамни бузар эканми, анча ҳаволалиб, бировларни назар-писанд қилмай қўйганди. Буни қарангки, юқоридан хабар келди. Корхона раҳбарлигига сайлов ўтказилармиш. (Бу воқеага чамаси 10 йилдан ошган) Кабир ака қайта сайланишига шубҳа қилмади. Қайта сайлов кунини эрталабдан уйига қассоб чакиртириб қўй сўйдирди. Бозор-ўчарни қуюқ қилдириб турфа хил ичимликларни ҳозирлатиб қўйди. Хуллас 60-70 кишилик зиё-

фатга тайёргарлик кўрилди. Бешолтита жувон манти тугиш билан овора.

Тушдан кейин телефон гўшагини кўтарган Лола кенноий Кабир аканинг чуқур хўрсинишини эшитиб аввалига таажубланди. Ўз лавозимига қайта сайланмагандлигини эшитган эса телефон гўшагини қўлидан тушириб юборди. Бу етмаганидек телефон гўшагининг сингани дард устига чипқон бўлди-да.

Аҳмад ЙЎЛЧИЕВ,
Юнусобод тумани
«ЭХ, АТТАНГ»

Асқар Шерматов тўй қилапти. Салобатли нақшкор меҳмон-хонада базми жамшид. Дастурхон бекаму-кўст. Булбулнинг сўтидан-да бор. Шу пайт...

Тўйхонага Азимжон Искандаров кириб келди. Кимсан фалончи, Асқарнинг ўзи Азимжон Искандаровни қарши олди. Ҳамма ўрнидан турди.

— Қадамларига ҳасанот! Хуш келибсиз!

Бунақасини ҳеч ким кўрмаган. Устиларидаги костюм-шимлари жуда ярашган. Гуё нур сочаётгандай.

— Янги костюм қўллуқ бўлсин, — деди Асқар Азимжон акаси билан қўшқўллаб кўришаркан.

Вазмин, салмоқдор оҳангда жавоб бўлди.


— Германиядан олиб келдим. Дарвоқе, матоси французларники.

— Нархи қанча?

— Арзон. 500 доллар.

— Тўйларга кийиб юринг, Азимжон ака! Буюрсин!

Азимжон виқор билан ёнига ўти-



Кимнинг хати чиройли?

Дундаги гаплар

ГАЗЕТАНИНГ ЎРНИ БЎЛАКЧА

Кундалик ҳаётимизни газета-журналларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки жамият ривожини йўлида матбуотнинг ҳам ўзига яраша ўрни бор.

Истиқлол шарофати туфайли эса матбуот нашрларининг сони ҳам кескин кўпайди. Тан олиш керак, бири-биридан ўқимишли газеталар, журналлар чоп этилаёпти. Камина меҳнат фахрийси бўлишига қарамай, «Халқ сўзи», «Қишлоқ ҳаёти», «Туркистон» ва албатта «Тошкент оқшоми» газеталарини мунтазам кузатиб бораман. Албатта ҳар бир нашрнинг ўз ўқувчиси бор, ҳар бир газетанинг ўз йўналиши бор. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мазмунан пишиқ-пухта, таҳлилий мақолаларни, долзарб хабарлару лавҳаларни тезкорлик билан ёритиб бориш зарур. Йўқса ҳар қандай газета инкирозга учраши ёхуд газетехонларини йўқотиши ҳеч гап эмас. Аммо, шунинг мамнуният билан айта оламани, газеталар орасида «Тошкент оқшоми» газетасининг ўрни бўлакча. Сабаби тахририят ходимлари доимо изланишда. Газетехонлар эътиборига янги-янги руқнларда долзарб мақолаларни беришга ҳаракат қиладилар. Шахримизнинг кундалик ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар тўғрисидаги ахборотлар, лавҳалар зудлик билан ёритилади. Маънавият, иқтисодиёт, ижтимоий масалалар, спорт янгиларни назаримизда ҳеч бир пойтахтликни бефарқ қолдирмайди. Иккинчи борица ҳар бир соҳа, ҳар бир тармоқ бўйича материаллар эълон қилинаётганлиги эса қувонарли ҳол. Шу ўринда тахририятнинг

газетехонлардан келатган мактублар асосида «Хатлар—ҳаёт ойнаси» саҳифасини эълон қилиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу жараён газета билан газетхон ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлайди.

Шахримиз, маҳаллаларимиз тарихига оид мақолалар эса ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Ўтган йилнинг 10 декабрида «Маҳалланг ота-онанг» саҳифасида Йўлдош Мансуров томонидан ёзилган «Катта Каъни—зиёлилар маскани» сарлавҳали мақоласини ўқиган ҳар бир инсон ўз маҳалласи тарихини, ижтимоий келиб чиқишини билишга қизиқиш қолса ажаб эмас. Газета таҳмалларини кузатар эканман, тахририят ходимлари иложи борица пойтахтнинг ҳар бир туманида юз бераётган янгиларни газетехонлар билан баҳам кўришга интиладетганликларини сездим. Шунингдек, ўтган йили Мустақиллик айёмига бағишлаб чоп этилган махсус сон ажойиб тайёрланганини эслатиб ўтишни жоиз деб биламан. Унда айниқса, ҳар бир туман ҳақида батафсил маълумот берилган. Сўзим ниҳоясида тахририят ходимларига ижодий муваффақиятлар тилаган ҳолда «Тошкент оқшоми»дан мудом кизикарли, ўқимишли мақолалар кутиб қоламиз демоқчиман.

Акбар НАБИЕВ,
Шайхонтохур тумани,
меҳнат фахрийси.

лайди. Бунинг сабабини билиш мақсадида тўрт-беш нафар маҳалла фаоллари отаникига йўл олди.

— Судга борганим рост,—деди Розик ота бамайлихотир,— Қобилим ҳам, Шокирим ҳам ҳолимдан хабар олмаса, ойлаб, йиллаб кўринмаса. Уларни катта қилгунча қанча-қанча машаққатларни кампирим билан бирга тортганман.

Бу хабарга ишонмай ўтирган Со-диқ ака сўради.

— Хўш, суд нима деди?

— Суд қарор чиқарди. Энди ўғилларим ҳар ойда менга маълум миқдорда нафақа тўлаб боришади.

Ўз ота-онасининг ҳолидан хабар олмаган, тўрт мучаси соғ бу икки ноқобил фарзанд энди маҳалладошларининг юзига қандай қарайди? Боз устига уларнинг бу қилмиши ўз фарзандларидан қайтмайдими?

Аъзам ЁДГОРОВ.

Маассуф

Шахримиз кўчалари, хайбонларини кезган киши унинг гўзаллашиб бораётганини кўриб бахри-дили очилади. Ахир Истиқлол шарофати туфайли шахримиз қиёфаси тубдан ўзгарди-да, бири-бирдан салобатли, пурвиқор бинолар кўрилди. Бунга шак-шубҳа йўқ.

КЎЧА НОМИ ҚАЕРДА?

Авалло, «Ватан ичра кичик бир Ватан» ҳисобланмиш маҳаллаларга катта эътибор берилаётганини, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари оқибатида маҳаллаларимиз кўчалари ҳам тобора файзли бўлиб бораётганини тан олмай илож йўқ. Аммо... Ҳамма гап ана шу «аммо»да. Айрим кўчаларни кундуз кунини «чиқроқ ёқиб» излашга тўғри келаяпти. Нега энди дейсизми? Унда воқеани эшитинг. Шайхонтохур туманида истиқомат қилувчи дўстимиз Собирниқига уч-тўрт киши бўлиб наҳорга ошга борадиган бўлиб қолдик. Биринчи боришимиз бўлгани учун тўсмонлаб (албатта енгил машинада) «Янгиобод» маҳалласи қаердасан дедию йўлга тушдик. Маҳалланиям топдик. Қизиги шундаки кўча пештоқига унинг номи ёзилганини учратмадик. Ҳали у кўчага қирамиз, ҳали бу кўчага қирамиз. Таклифномадаги Тожи Расулов номи-

Анвар ҚУРБОНОВ,
Собир Раҳимов тумани.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб
домо бўлиб...

● Инсон—олам беағи.
● Инсон доно, одми, одил, жасур ва саховатли бўлиши керак. Шундагина у инсон деган юксак унвонга лойиқдир.

● Инсон—бир бутун олам, фақат ундаги асосий туғиғ олижаноблик бўлса бас.

● Ҳаёт—бу бетўхтов камолотдир.

● Луқмони Ҳаким ўз ўғлига айтди: «Қариндош уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут, одамларни ғийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўйса уларга қўйилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни қайғу-ғамага ташлама. Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.

Ўтиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзига кулоқ сол, одамлар сўраса гапир, ўзингдан улуғлар олдида тушиб юрма, одамлар ичида бошингни қуйи солиб ўтирма, унгу чапга қарайверма. Меҳмонлар олдида бировга ўқирма, меҳмонга иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан ҳамсухбат бўлма. Бекорчи одамлар билан кўчада ўтирма.

Ўз фойдангни ўйлаб, обрўингни тўкма. Ўзига бино қўювчи такаббурлардан бўлма. Хусуматдан узоқ бўл, жангу жадалдан қоч. Сенга иш буюрсалар бажар, ваъда қилсанг, албатта уни уддасидан чиқ. Ҳеч кимни ранжитма».

БАЙТ

Мен инсон деган улуг
фикр-ла,

Ҳамиша кўксимни
туганман баланд.

● Қаноатли киши ўзининг ҳар бир сўзи ва ишида ҳалолдир.

● Ирода одамзотнинг фаркли белгисидир, фақат ақлгина иродани бошқариш учун абадий қолидадир.

● Қатъиятли бўлмай одам ҳеч қачон ўзига-ўзи ҳўжайинлик қиллолмайди.

УЛУФ кишиларнинг ёқимли хислатларидан бири қаноатдир. Қаноатли киши ҳеч қачон хор бўлмайди. Ақсинча, кишида қаноат бўлмаса, топан-туғанига сабр қилмай, қўлига интилса, оқибат хордиқ азобини тортади.

Шунинг учун ҳам айтилади:

Бўлса агар суву парча
қотган нон,

Ўзга касасига қўз
тикма, инсон.

Бўлсанг агар тожу тахт
учун муҳтож,

Заминни тахт деб бил
ва қўёшни тож.

Доно кишилар эса: «Қаноат туганмас бойлиқдир, қаноатли киши ҳеч камбағал бўлмайди, чунки унинг ҳеч кимга иши тушмайди. Қаноатсиз киши эса гадога ўхшайди, унинг ҳамма нарсаси бўлса ҳам қўзи тўймайди, кўпроқ топишга интилади, нарсаси деб одамлар олдида бош эгади», дейдилар.

БАЙТ

Бировнинг олдида
боргандан нон деб,

Уйда жим ўтирмақ
яхшидир жон деб.

Ҳар ким таъма йўлин
тутса агар пеш,

Оқибат бир кун
бўлғуси дарвеш.

Шундай одамлар бор бўлсин

Ҳар кун у субҳидамда охнарабодек ўзига тортадиган хушманзара боққа кираверишда қад ростлаган халқимизнинг севиқли шоири, буюк адиби, забардаст сўз санъаткори, академик Фафур Фулом хайкали пойи олдида бир зум тўхтади ва Ўзбекистонимизнинг табаррук тулғоғини жон-дилидан севган улуг ижодкорнинг

**Фафур Фулом кимлигини биласиз,
Адресимдир Ўзбекистон шубҳасиз.**

**Қисталанг гап, бизникига келасиз,
Ташриф этиб мени хурсанд қиласиз,**

**...Бизнинг уйга кўниб ўтинг,
дўстларим.**

деб Фафурона жўшқин эҳтирос билан битган сатрларини ҳар кун ёдга олади. Ва табиийки, бундан бир йил муқаддам ушбу богда ўтказилган тантанали маросим, Фафур Фулом таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан шоир хайкалининг очилишига бағишланган тадбирдаги Юртбошимизнинг пурҳикмат сўзларини, ана шу шукуҳли дамларни зўр ҳаяжон билан эслади...

Ха, шу кунни пойтахтимизнинг сўлим гўшаларидан бири бўлиб ушбу истирохат боғи ўзгача файзу тароватга бурканган, улуг шоирнинг ўзи туғилиб ўсган ва чексиз меҳр билан улуплаган азим Тошкент шаҳридаги энг чиройли бог, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар билан доимо гавжум бўладиган гўзал маскан чиндан ҳам ўзгача қиёфага кирган эди.

Биз юқорида богнинг хушманзаралигию унинг гўзал бир маскан эканлигига таъриф бердик. Бу — бежиз эмас. Чунки «Яхшидан бог» деганларидек, масканнинг сўлим гўша бўлиши замирида одамларнинг тинимсиз меҳнати, уларни эзгу ва савобли ишларга сафарбар этадиган фидойи, ўз касбига меҳр қўйган бир инсоннинг катта хизматлари бор. Бу инсон шу кунларда ўзининг ярим асрлик таваллуд кунини қутиб олаётган, умрининг қоқ ярмини шу истирохат боғига раҳбарликка бахшида этган Баҳодир Султоновдир.

«Умр — оқар дарё», дейдилар. Худди кечагина эди унинг ушбу богда меҳнат фаолиятини бошлагани. Худди кечагина эди бу ерда кўкка буй қўзиб, салобат билан яшнаб турган навиҳол дарахтларни яхши ният билан ўтказганлари. Худди кечагина эди бу ерда қўл ташкил этиш учун елиб-югурган кезлар. Ана шундан бери орадан қарий чорак аср ўтиб кетибди. Шу давр ичида истирохат боғи том маънода гуллаб-яшнади, ўтказилган дарахтлар туб қўйиб палак ёзди. Хуллас, бог ҳақида, унинг гуллаб-яшнаши йўлида фидойилик кўрсатиб келаётган раҳбари ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди. Бугунги кунда пойтахтимизнинг Чилонзор тумани ҳудудида жойлашган, салкам 20 гектарлик ҳудудни эгаллаган хушманзара бог нафақат ҳамшаҳарларимиз, юртдошларимизнинг, балки хорижий эллардан серқўлаш Ватанимизга келаётган қадрили меҳмонларимизнинг ҳам мароқли хордиқ қирадиган ажойиб масканга айланган.

Богда ўтказилаётган ранг-баранг тадбирлар, учрашувлар, касб байрамлари, тантанали маросимларни айтмайсизми? Ҳар бир тадбир пухта ўйланган режа асосида ўтказилади. Бу режаларни тузиш, уни маромига етказишда Баҳодир Султоновнинг ташаббускорлиги таҳсинга лойиқдир. Ушбу сатрларнинг муаллифи каминанинг ўзи гувоҳи бўлган ва қатнашган тадбир ва маросим хусусида унинг иштирокчилари билдирган миннатдорчилик сўзларини шу ерда ана бир бор эслатиб ўтиш фурсати келди, чамамда.

... Ўша кун «Барҳаёт сиймолар» тадбирига жуда кўп одам тўпланди. Бог ўртасидаги очик саҳнага навбати билан санъатимизнинг таниқли юлдузлари чиқишиб, ўзбек рақс санъатининг буюк ва беназир даргаси, «Баҳор» рақс дастасининг асосчиси Мукаррамахоним Турғунбоева ҳақидаги ўз хотираларини гапиришиб, ижод намуналаридан ижро этишарди. Ушбу маросимга Фарғонадан келган, Мукаррамахоним Турғунбоевнинг ҳамшаҳарлари бўлиб икки нуруний отахон тадбир тугагандан кейин ўзла-

рини бог раҳбари билан учраштиришларини сўради. Отахонлар ҳузурига ўзига хос камтарлик ва тортинчқоқлик билан келган Баҳодир Султоновни қўришган:

— Шундай тадбирга бош-қош бўлган сизга катта раҳмат, ўғлим. Тупроқ олсангиз олтин бўлсин, болаларингиз бахтини-камолини кўринг. Мукаррамахоним хотирасига бағишлаб ўтказилган ушбу маросим ҳақида маҳалладошларимизга албатта гапириб берамиз. Биз томонларга ҳам меҳмонга бординг, хизматингизда бўлайлик, дея дуога қўл очилди.

Биргина шу эмас. Маданият ва истирохат боғида йилнинг қарийб ҳамма фаслларида уюштирилаётган тадбирлар, ўтказилаётган маросим ва анжуманлар доимо кишилар нигоҳи ва эътиборида бўлади, унда қатнашган меҳмонлар бу тадбирлардан кўнглиллари чоғ бўлиб, ўз миннатдорчилик сўзларини изхор этишиб қайтишади.

Маълумки, қаерда ташаббус, изланиш бўлса ўша ерда омад ва ютук бўлади. Баҳодир Султонов ўзининг изланувчанлиги, та-

лаларнинг ўқсик қалбларига қувонч ва меҳр улашилди, кўпчилиги унинг ташкилотчиларига ўз миннатдорчиликларини изхор этишди. Шунда мен Баҳодир Султоновга юзландим ва унинг кўзларида секинча ёшларини кўрдим...

Эҳ-хе, яна нималарни айтмай. Бог жамоасининг меҳр-муруватидан баҳраманд бўлиб, у ердаги аттракционлардан бепул фойдаланаётган болалар қувончними, маъмурият ташаббуси билан бог ҳудудидан ташқарида ўтказилаётган анжуманлар ва учрашувларини, маънавият ва маърифат масалаларига, ёшларимизни она-Ватанга, қадриятларимизга юксак ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган тадбирларини... Хуллас, ҳар бири ҳақида қўп ва қўп гапириш ва бундай савобли ҳамда хайрли ишларга унинг ташаббускор бўлаётганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Баҳодир Султоновнинг яна бир фазилатини айтиб ўтиш керак. У ўзи учун гоят қадрдон бўлиб қолган, умр мазмунига айланган сўлим гўшани айлангани, у ердаги кўкка

буй қўзган чинор дарахтларига қарашини, мовий кўлда мавжланаётган зилол сувга боқилини, очилган анвойи гуллар ҳидидан тўйиб-тўйиб нафас олишни ва бу гўзалликлардан боққа ташриф буюрадиган ҳар бир кишининг баҳраманд бўлишини ёқтиради. Ёшлигидан меҳнатга, санъатга, одамларга ҳолис ва сидқидилдан хизмат қилишга иштиёқманд бўлган Баҳодир Султоновнинг ҳам ўз умр мазмуни, ҳаёт қўшиғи бор. Унинг кечираётган умрига, ҳаёт қўшиғига ҳавас қилса, ундан ибрат олса арзийди. Ахир ушбу истирохат боғида озмунча ибратли ишлар амалга оширилди, бу ерда дам олгани, маданий хордиқ чиқаргани келган минг-минглаб кишиларнинг миннатдорчилик сўзларини эшитишнинг ўзи катта бахт эмасми?!

Мақоламизни аллома адиби, академик Фафур Фулом қаламига мансуб сатрлар билан бежиз бошламаган эдик. Халқ шоирининг

боққа ўрнатилган салобатли хайкали олтин узукка ёқут кўздек ярашиб тушди. У ижод қилган машҳур «Бизнинг уйга кўниб ўтинг, дўстларим» шеъридан келтирган ажойиб мисралар эса бог бағрига келувчиларни бағрикенг шоиримиз худди ўз уйга тақлиф этаётгандек, сўлим гўшага қадам ранжиди қилувчилар бу билан Фафур Фуломни хурсанд қилаётгандек туюлади назаримизда. Ва шу ўринда фикримизни муктасар айлаб бир нарсани алоҳида таъкидламоқчимизки, эндиликда аллома шоиримиз номи билан аталаётган сўлим боққа қарийб чорак асрдан бери раҳбарлик қилиб келаётган, кўп йиллик самарали хизматлари эвазига Президентимиз Фармонига биноан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига сазовор бўлган тиниб-тинчимас, ўз касбига фидойий инсон Баҳодир Султоновнинг ҳам ибратли сўй-ҳаракатлари мактовга сазовордир.

Солиҳ ЁҚУБОВ,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

СУРАТДА: Баҳодир Султонов (ўртада) богда Меҳр ва муруват йилида ўтказилаётган режаларни ўртоқлашмоқда.

Ҳурматли
Баҳодир Султонов!
«Оқшом» газеталари
жамоаси Сизни
муқорат таваллуз
қилинган билан тин
дилдан қўтлайди.
Ҳамиша соғ-саломат
бўлинг!

ҲАЁТ ҚЎШИҒИ



шаббаскорлиги, қўйиб, ёниб яшаш фазилатлари билан ажралиб туради. Ана шу боис богнинг йил сайин довруғи ошгандан ошиб борапти. Бу ерда ўтказилаётган тадбирларни одамлар орақиб қўтишларининг сири ҳам ана шунда!

Мана бир неча йилдирки, богда баҳор ва эзгулик байрами — Наврўзи олам тантаналари ўзгача тарзда нишонлаб келинмоқда. «Хуш келдинг, Наврўзи олам» деб аталувчи байрам тадбири дейсизми, август ойининг биринчи шанбасида ўтказилаётган «Маҳалла кўни» дейсизми, «Истиклол байрамимиз муборақ, азиз Ватаним!», «Мустақиллик — буюк нёъмат!», «Ўзбекистон! — Ватаним маним!», «Мустақиллик тенгдошлари» деб аталувчи қўллаб, бири-бирдан ранг-баранг сайиллар ва фестиваллар дейсизми, хуллас ҳар бирининг ўз шинавандалари ва мухлислари бор. Унга келувчи томошабинларнинг ўтказилган тадбирлардан бир олам завқ-шаваққа тўлиб кетиши йўлида Баҳодир Султонов изланиб, янги-янги тақлифларни ўртага ташлайди. Пировард натижа эса кўнглдагидек бўлганини кўрганида бог раҳбари қилган сўй-ҳаракатлар мевасини берганидан ўзига сиймай севинади.

Ха, одамлар қалбига секинча, қувонч бағишлашдан ортиқ бахт борми?! Мана, чорак асрдирки, Баҳодир Султонов ва у директор бўлган бог жамоаси ушбу гўшага ташриф буюрувчилар қалбига олам-олам қувонч бағишлаб келишмоқда. Келинг, шу ўринда ўтган йили ўтказилган яна бир тадбир ҳақида, унинг фарзандларимиз қалбига бағишлаган олам-олам қувонч ҳақида тўхталайлик.

Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кун муносабати билан ўтказилаётган хайрия тадбири режаларига унинг ўзи бош-қош бўлди. Шу кунни пойтахтимиздаги меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларда тарбияланувчилар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидан минг нафари богга келишди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги, Чилонзор тумани ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Маданият ишлари бош бошқармаси ва бошқа бир қатор мутасадди ташкилот ва идораларнинг сўй-ҳаракати билан уюштирилган ушбу маросим кўнглдагидек ўтди, бо-

Муффа олам

БЎЙИ ЭНГ
БАЛАНД
КИШИЛАР

Новча одамлар Ер шарининг турли мамлакатлари аҳолиси ўртасида оз бўлса ҳам учраб туради.

Масалан, Голландия мамлакатли фуқароси Даниэл Коянус (1714-1749 й)нинг бўйи 2 метру 83 сантиметр бўлиб, дунёда ягона дароз — новча бўлганлиги учун ҳам Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га киритилган.

Америкалик 22 ёшли Роберт Удлоунинг бўйи шифокорлар тиббий кўригида ўлчанганда 2 метру 72 сантиметр, вазни эса 222 килограмм 700 грамм бўлгани учун ҳам у Гиннеснинг «Рекордлар китоби»дан ўрин олган.

Буни қарангки, мозамбиклик 22 ёшли Габриель Эсвонинг бўйи ҳам шифокорлар томонидан ўлчанганда (1909-1941 й) 2 метру 61 сантиметр эканлиги аниқланган.

1887 йилда 24 ёшида вафот этган Франц Винкельмаернинг бўйи 2 метру 73 сантиметр эканлигини шифокорлар аниқлашган, унинг номи ҳам шубҳасиз, Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га киритилган.

Албатта аёллар ўртасида ҳам новчаларининг учраб туришлари табиий.

Чунончи, грециялик Василики Калиянди (1882-1904 й)нинг бўйи ўлчанганда 2 метру 30 сантиметр эканлиги, америкалик аёл Доларес Эни Паллардининг (1946 йил туғилган) бўйи 1969 йил ўлчанганда 2 метру 28 сантиметр эканлиги, ўзбекистонлик баскетболчи Равиля Салимованинг бўйи ҳам 2 метру 28 сантиметрга етганлиги қайд этилган.

Буни қарангки, Россия фуқароси Михов 1905 йилда Францияга илмий иш билан бортанида, Франциянинг машҳур биолог олими Жан Рёстан у билан мулоқотда бўлиб, бўйини ўлчанганда нақ 2 метру 85 сантиметр, вазни эса 182 килограмм эканлигини аниқлаб, қафтининг 54 сантиметр эканлигини билиб, буни ўзининг «Ҳаёт» (1905 йил ёзилган) номи китобида киритган.

Дарвоқе, юқорида номлари зикр этилганлар Гиннеснинг «Рекордлар китоби»дан ўрин олган дарозлардир.

Турсунхўжа
АЗЛАРХОНОВ
тайёрлади

Ўқитимизда Наврўз нафаси

СУМАЛАКЧИ МОМО

Адолат холани ҳамма «Сумалакчи момо», «Оппоқ ойи» дейишарди. Нега асл номларини атамай, шундай чақиришларининг боиси бор. Момо оппоқ бўлиб, жазирама иссиқларда ҳам қораймасдилар. Ширин сўз, очик юз, ҳазилкаш, кўнгиллари беғубор, баҳордек тоза эди. Доим эл-юрт хизматида бўлардилар. Олтимышлардан ошиб қолган бўлсаларда тетик, мулойим эдилар.

Тошкент вилоятининг Тентаксай қишлоғи (Чиноз тумани) Наврўзда ажиб бир тус олади. Қозоклар, ўзбеклар яшайдиган уйлар, ўтовларга файз киради. Кенг, яйдоқ дала эмасми, ҳавоси тоза, ям-яшил кўкатлар, лолацизгалдоқ, бойчечаклар баҳор шабадасида силкиниб, атрофга ёқимли хид таратади. Туркий тўйлар асосан баҳорда бошланади. Қозокларнинг тўқаш деб аталмиш оширилган хамирдан пиширилган юмшоққина, иссиққина бўғирсоқларига роса тўямиз. Ҳазиллашиб: «Не жедим, тўқаш жедим!» деб юрамиз. Тўйлари файзли, сахийликларига борман. Оппоқ ойи шу тўйлarga бош-қош. Аралашиб, куралашиб юрaverадилар. Тўқашлар пиширадилар, дастурхонлар ёзиб, меҳмон кутадилар. Ҳатто қозоқчами, ўзбекчами кўшиқ-куйларда давраларни киздириш учун ўйинларга ҳам тушиб кетaverадилар. Умр йўлдошлари Зариф ота ҳам қувноқ. Худди бир олманинг икки палласи. Ёшлари етмишларга чиқиб қолган бўлсада, қарилликлари билинмайди, кўнгиллари очик, кўшиқ, лапар, гоҳ эса катта ашулалардан ҳам айтиб, ҳаммани хайратда қолдирадилар. Қўлларидан кетмон тушмайди. Ишлаганлари ишлаган.

Наврўз келдими, Оппоқ ойи номлари ўзгариб, сумалакчи момо номи билан пайдо бўлиб қолади. Сумалакча усталликларини мақташгани мақташган. Сумалакчи пиширишни бириинчи бўлиб, ўзлари бошлаб берардилар. Ниҳоятда тоза кийинадилар. Ўзларига оро берардилар. Пиширган сумалакларини оз-оздан кўни-кўшиқларга таркатардилар. Доимо илк бор сумалакчи момо сумалакларига оғзимиз тегади. Кимни кўрсалар: «Калай, сумалагим ёқдими?» деб

кўярдилар, табассум билан.

Бу ишлари ўзига хос синов эди. «Энди дошқозонда бемалол, кўркмасдан худди шунақа холвайтардек, баҳор кўеши нурларидек ёқимли, чиройли сумалакчи пишириб бераман», деб ҳаммамизни қизиқтириб кўярдилар. Момо сума-

катта тоғораларга солиб, икки кафтлари орасига кўйиб эзишар, биз болалар бунга завққа тўлиб томоша қилардик. Тагида олмаслиги учун майда тош доналари, шунингдек беш-олтита ёнғоқ ҳам ташлаб юбориларди. Дошқозон ер ўчоққа ўрнатилар, бақир-буқир этиб сумалак қайнашининг ўзига



лак пиширишга ҳаракат қилиб кетарканлар, хашарчилар кўпайиб қоларди. Синоқ пардалар билан ўралган бўғдой доналарига ҳеч ким маълум муддатга яқин бормас, аралашмас, ўзлари бўғдой доналарига сув пуркаб-пуркаб оппоқ чодирдан чиқиб турардилар.

Ҳадемай Адолат холанинг бўғдойлари униб, кўкариб, тўрт энликка етганда ҳовлилари одамлар билан гавжум бўлиб кетарди. Ҳеч ким бир гапларини икки қилмас, нима десалар бажаришарди. Ҳамма ювиниб келиши шарт эди. Ҳатто кўл ювилмаган бўлсада, сумалакча қийнаштирамасдилар. «Покиза таом, покизаликни ёқтиради, тагин бирор фалокат юз бермасин» деб огоҳлантириб кўярдилар. Ҳамма ярашиқли, озода, миллий кўринишда бўларди.

Эллагинчи йилларда ўғир, ховончалар сероб, аёллар кўкгаран бўғдойларни ўғирда янчишар,

хос файзи сезилар, меҳнинг ҳам қўлим тегиб қолсин деб, яхши ниятда галма-галдан кавлашардик. Бир тарафда сумалак пишгунча ўйин-кулгу қилинса, бошқа бир тарафда китобхонлик қилинарди.

У пайтларда лампа чироқлар, машъаллар ёқиларди. Ўчоқдаги аланга ҳам атрофни ёритар, ҳамма шундай гира-шира ёруғликка ўрганиб, бемалол диққатлари ҳам ошмай ҳаракатда бўлишарди. Адолат хола биз болаларга ҳам разм солиб турар, озода юришни бизга ҳам уқтириб, оёқ-кўл тирноқларимиз ўсиб қолган бўлса олдирадилар. Сўнг кўлимизда ёғочдан ясалган кичик-кичик куракчалар билан ўчоқ атрофига ўралашиб, қозон четларига ёпишиб, қирмоқ олган ширин-шарларини қириб еганимизда ўта мазали эканлигидан яна егимиз келарди. Адолат хола бизни авайлаб, сумалак қирмо-

чини ўзлари олиб берардилар. «Бола дегани бол сўзидан олинган, сумалак қирмочи болдек ширин бўлади» деб мактаб кўярдилар.

Тонг отганда дошқозондаги сумалакча сапсарик, олтинсимон ранг кирарди. Кўеши чиқшини кузатарканмиз, ёмғир ёғишидан дарак берувчи паға-паға булутлар орасидан таралаётган заррин кўеши нурини таққослаганимизда сумалак рангларига ўхшаб кетарди. Адолат хола сумалак қайси пайтда етилиб пишини билардилар.

Биз болалар хабарчи эдик. Адолат хола буюришларини эшитишимиз билан ҳар томонга чошиб, хонадонларга бориб, бирма-бир сумалакча чақирардик. Кимдир коса, кимдир тунуқа тоғорача кўтаришиб, ризқ-насибаларини олиб кетишарди. Улуши борлар сумалакдан анча-мунча олиб, роса тўйишарди. Сумалакча оғзи тегмаган қолмасди.

Сумалак сузишда Адолат хола бош-қош бўлиб, ҳеч кимни хафа қилиб қўйишга йўл қўймас, тақсимлаб ҳаммага етказардилар. «Ҳай айланай, бир майизни қирқ киши бўлиб еган», деган ҳикматли гапни тез-тез такрорлаб турардилар. Катта қозондаги сумалакдан ҳатто ялаб-юлқаш учун ҳам ҳеч вақо қолмасди.

Сумалак пайтида одатга кўра шаррос ёмғир ёғарди. Адолат хола, яъни сумалакчи момо сумалакда эса баҳор булутлари рақсга тушиб, паға-паға булутлар орасидан кўеши кўришиб, жилмайиб туриши ҳаммани ажаблантирарди. Сумалакдан кейин ҳаво гум-бурлаб момоқалдирулардан сўнг ёмғир ёғарди. Қуймасди, шивалаб ёғарди. Хар сафар шундай, сумалакчи момо сумалак қилаётганда ёмғир ёғмасди... Ана, яна кимдир сумалак қияяпти. Ҳавога булут чиқибди. Ва лекин, ҳеч кимнинг сумалаги сумалакчи момо — Адолат хола — Оппоқ ойиникига ўхшамайди, деб қўйишарди ҳамқишлоқ-маҳалладошларим.

Маҳмуд Рамозон
АХМАДИЙ

САХОВАТНИНГ САХИЙ ОДИМИ

Меҳр ва мурувват йилида эзгуликка ёндош хайрли ишлар янада авж олди. Айниқса ногиронлар, яқка-ёлғизлар, қариялар, кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар таҳсинга сазовордир. Меҳрнинг саховатли қадамлари, мурувватнинг беғараз, беминнат қулочлари ҳар бир дилни нурафшон айлаб, кўнгилларда эзгулик чироқларини ёқмоқда.

Куни кеча Чилонзор туманидаги Лутфий маҳалласида жойлашган Глиэр номи маданият марказида «Меҳр қолур, оқибат қолур» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Кечани очар экан Чилонзор туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содиқова саховат, меҳр-оқибат, инсоний қадриятлар, мурувватнинг сахий одимлари ва келажакка ишонч, яшашга иштиёқ гўзал туйғуларимиз асоси эканлиги, инсонларнинг қадр-қиммати ҳақида тўхталиб ўтди. Шунингдек, республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жағфармаси раиси ўринбосари, шаҳар «Оила» маркази раҳбари Гулно-

ра Йўлчиева, фалсафа фанлари номзоди Жамила Шермухамедова ва бошқалар меҳр-оқибатли, иймонли бўлишнинг афзалликлари, саховатпешалик хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир давомида маҳалладаги кам таъминланган оилаларга совғасаломлар тарқатилди. Шунингдек туман маданият уйи жамоаси дилрабо куй ва кўшиқлари билан йиғилганлар кўнглини хушнуд этди. Лутфий маҳалласи фаоллари ҳам ўзлари саҳналаштирган саҳна асарлари билан барчанинг кайфиятини чоғ этдилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Танловлар

СИЗ ҚОНУННИ
БИЛАСИЗМИ?

Яккасарой туман ҳокимлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ташаббуси билан ўрта махсус таълим ўқув юртида «Сиз қонунни биласизми?» кўриктанлови ўтказилмоқда.

Биринчи ҳудудий кўрик-танлов Тошкент тўқимачилик лицейида бўлиб ўтди. Унда тўртта жамоа қатнашди.

Иккинчи ҳудудий кўрик-танлов куни кеча Яккасарой туманидаги Ёнгил санат коллежидида ўтатирилди.

Ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида мутасаддилар томонидан ташкиллаштирилган ўшбу тадбир келажакдаги ворислари билимнинг юксалишида муҳим омили бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Дурдона ҚОДИРОВА

Спорт

ШАХРИМИЗДА
ОЛИМПИАДАГА
САРАЛАШ
МУСОБАҚАСИ

Эркин ва юн-рум кураши ривожига республикада қаратилаётган эътибор, полвонларимизнинг жаҳон ва Осиё чемпионатларидаги муваффақиятлари Бутун жаҳон спорт ассоциацияси ФИЛА назоратидан четда қолмапти.

Шахримизда Гран-при туркумига кирувчи «Мустақиллик кубоги», Осиё биринчилиги ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати катта муваффақият билан ўтказилган эди. 13-14 март кунлари эса мушташ «Ўзбекистон» спорт мажмуасида юн-рум кураши бўйича иккинчи олимпиада саралаш турнири бўлиб ўтди.

Шуни айтиш керакки, саралаш мусобақаларида 60 га яқин мамлакатдан 200 га яқин спортчилар 7 та вазн тоифасида галаба учун кураш олиб бордилар. Шунингдек, ФИЛанинг фахрий президенти Милан Эрцеган, вице-президент Марио Солетник, бош котиб Мишель Дюшонлар ҳам нуфузли мусобақани бевосита кузатиш учун Тошкентга ташриф буюришган.

Ҳозиргача юн-рум кураши бўйича Алексей Чеглаков, Александр Докторов, Аслиддин Худойбердиев каби етакчи вакилларимиз Афинада ўтадиган олимпиадада қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишган бўлса, саралаш турнирида 55 килограммгача вазнда Камол Холматов, 66 килограммгача вазнда Баҳодир Курбонов ҳамда 84 килограммгача вазнда Дмитрий Круглитлар олимпиада йўлланмаларини қўлга киритиш учун кураш олиб боришди.

Олимпиадага саралаш турнири доирасида эртага шахримизда ФИЛанинг навбатдаги конгресси ҳам бўлиб ўтади.

БОКСЧИЛАРИМИЗ
ХИТОЙДА
БЕЛЛАШАДИ

Пойтахт юн-рум кураши усталарини олимпиадага саралаш мусобақасига таклиф этса, эртага мамлакатимиз чарм қўлқоп усталари Хитойда ўтказиладиган Греция олимпиадасига йўлланма берувчи очиқ турнирда қатнашиш учун жўнаб кетишди.

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бир ҳафта давомида бўлиб ўтадиган нуфузли мусобақаларда Отабек Мамажонов, Тўлашбой Дониёров, Жаҳонгир Сувонкулов, Шерзод Абдурахмонов, Нодир Фуломонов ва Игорь Альбаров каби етакчи боксчиларимиз галаба нашидасини суриб, курраи заминнинг энг нуфузли мусобақасида қатнашиш ниятида бор куч-гайратларини сарфлашди.

Биз чарм қўлқоп усталаримизга омад тилаб қоламиз. (Ўз мухбиримиз)

Спорт

ҚИЗЛАР БЎШ
КЕЛИШМАДИ

Куни кеча Юнусобод туманидаги 17-мактабда қизлар ўртасида спортнинг стол тенниси тури бўйича шаҳар биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Мазкур тадбир «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ташкилотчилигида бўлиб ўтди.

— Шахримизнинг барча туманларида қизлар ўртасида спортнинг сузиш, шахмат-шашка, стол тенниси ва бадминтон турлари бўйича қизин мусобақалар бўлиб ўтди, — дейди биз билан суҳбатда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар таянч маскани раиси Дилбар Алимжонов. — Ушбу мусобақаларнинг туман босқинларида 10000 нафарга яқин қизлар ўз кучи, маҳорати ва истеъдодини намойиш этди. Туман ғолиблари эса шаҳар босқинида ўз омадларини синаб кўраптилар. Ушбу мусобақаларни ўтказишдан қўзланган эзгу ниятимиз эса «Қизлар спорт ўн



кунлиги»да бошланган чиниқиш, тобланиш, соғломлаштириш мусобақалари узвий давом этсин. Ўсиб келаётган ёшлар, хусусан қизларимиз соғлом ва баркамол бўлиб вояга етсин...

Қизин ва мурасис ўтган беллашуларда Рима Гуфранова биринчи ўринни эгаллаб, турнир ғолиби бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса Марина Рижкова ва Элеонора Абдулиналарга насиб этди.

Ғолиб ва иштирокчилар Фахрий ёрлик ҳамда кўматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Садриддин АЗИЗОВ



Самбо

МАҲОРАТЛАРИ
ОШИБ БОРМОҚДА

Шахримиздаги «Динамо» спорт клубида Шерзод Кузов ўн йилдан буён ёшларга самбо сирларини ўргатиб келмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур заҳматкаш мураббий қўлида шугулланиш учун нафақат ҳамшаҳарларимиз, ҳатто Тошкент вилоятидан ҳам ўсмирлар мунтазам келишди. Зангиота туманилик Улуғбек Назаров, Фурқат Норов ва Рустам Усмоновлар ҳам зўр иштиёқ билан бу ерда самбо сирларини ўрганишмоқда. Ва ой сайин ўсмирларнинг маҳоратлари ошиб бормоқда.

Шерзод Кузовнинг таъкидлашича, ўзи таниган-билган ёшларни спорт билан шугулланишга тарғиб қилади. — Келажагимиз ёшлар бунёд этишаркан, улар бекор юрмасдан яхшии спортга ошно бўлганлари маъқул, — дейди иқтидорли мураббий. — Албатта, ғиёвандлик, турли оқимларга билиб-билмай кириб қолиш — ҳаммаси бекорчиликдан бошланади. Ўзим имкон туғилди дегунча ёшлар билан спортнинг фойдали томонлари, соғлом турмуш тарзининг аҳамияти тўғрисида сўхбатлашаман, уларни тўғарагимга жалб этишга ҳаракат қиламан. Ўнг муҳими, бизда кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандлари учун самбо секцияси бепул фаолият кўрсатади.

Дарҳақиқат, бўлғуси спортчилар самбо секциясининг бирорта машғулотини ҳам ўтказиб юбормасликка ҳаракат қилишди.


Биз билан суҳбатда Улуғбек Назаров ва унинг ўртоқлари спорт

уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаб, иродаларини тобланишга таъкидлашди, самбо билан шугулланмаганларида ҳаёт йўллари бутунлай бошқача шаклланиши мумкинлигини айтишди.

Биз ҳам Шерзод Кузов каби меҳрибон, кўюнчақ мураббийларимиз тобора кўпаяверсин дея ният билдириб қоламиз.

Даврон НУРМАТОВ
СУРАТДА: мураббий Шерзод Кузов (ўртада) шогирдларига самбо сирларини ўргатишда.

Алексей Попов олган сурат.



ШОҲИ БЕЛБОҒ

Ҳикоя

Васила холам онамининг тутинган сингиси бўлади. Улар бир майизни бўлиб ейдилар. Васила хола Фарғонада биз эса Тошкентда яшаймиз. Ора-миз олис бўлса ҳам кўнгилларимиз яқин. Борди-келди қилиб турамыз. Васила холамнинг ойдек қизи бор. Иسمи ҳам Ойну! Унинг юзларини, тимқора туташ қошларини, ипакдек майин табассумини жуда яхши кўраман. Бора-бора Ойнуни кўрмасам туролмайдиган бўлиб қолдим. Аммо Ойнунинг менга кўнгли борми-йўқми буни ҳали билмайман. Шунини яхши билманки, у мени кўриши билан лоладек қизариб, кўзларини олиб қочади. Ойнурга кўнглимни очишга ҳеч ҳужрат қилолмайдим. Охир мактуб ёзишга ўтирдим. Туйғуларимни тўлароқ ифодалаш учун мактуб орасига Хоразмийнинг

Анингким ол энгинда менг яратти,
Бўйи бирла сочини тенг яратти...
деган сатрларини кистириб ўтдим.

Шоир бу сатрларини худди Ойнурга атаб ёзганга ўхшайди. Чунки Ойнунинг пешонасида мошдек холи бор, юрса узун сочлари нозик белида тўлғонади. Мактубни тамомлаб, таваккал қилиб Ойнурга юбордим. Лекин ундан ҳадеганда жавоб келавермади. Юрагим таппақа бўлиб юрдим. Минг хаёлга бордим. «Мактуб Васила холамнинг қўлига тушиб қолган бўлса-я. Ойну мени севмас-чи? Хатимни йиртиб ташлаган бўлсачи? Ёки борганимда «ол деб» олдimgа отсачи? Унда нима бўлади?».

Шу хаёллар билан бир куни Фарғонага бордим. Васила холам мени қувонч билан кутиб олдилар. Дастурхон ёзиб, атрофимда парвона бўла бошладилар. Кўп вақт ўтмай Ойну келиб қолди. Менга кўзи тушиши билан қизариб кетди. Тортиниб сўрашди ўзини ичкари уйга урди.

— Қизим, бу ёққа ўтир,— деди Васила холам ичкари хона эшигини қия очиб қўйиб.

Ойну шу таклифни кутиб турган эканми, дарров ичкаридан чиқди. Йиманиб омонатгина ўтирди. Нима қилишини билмай дастурхон популарини химариб эрмак қила бошлади.

— Қизим, Тохир аканга атаган

совғангни олиб чик,— деди Васила холам орага чўккан сукунатни бузиб.

Юрагим орқага тортиб кетди. «Қўлга тушдинг, Тохир, ҳозир мактубингни очиб қилиб олдинга отади», деб ўйладим. Ойнунинг оппоқ юзлари оловланиб кетди.

— Қайси совғанни,— деди ҳаяжонини яшира олмай.

— Мендан бекитма қизим, ҳамма гапдан хабарим бор. Ниятимиз ҳам шу эди, болаларим.

Иккаламиз ҳам ердан бош кўтара олмай қолдик.

— Бор қизим, аканга атаган совғангни олиб қилиб кўз олдimgа бер.

Ойну баттар қизариб кетди. Кўзларини ерга тикканича ичкари хонага кириб, қоғозга ўроғлиқ бир нарсани олиб қилиб онасига узатди. Бу шоҳи белбоғ эди. Шоҳи қийиқчадаги гуллар бир нафис, бирам чиройли эдики... Кўриб қувончим ичимга сиғмай кетди.

— Жуда чиройли қийибди. Ойну, кўп овора бўлибсиз,— дедим шодлигимни жўнгина сўзлар билан ифодалаб.

— Сиз учун ҳар қанча овора бўлса арзийди, Тохир акаси,— деди Васила холам. — Бахтли бўлинглар, болаларим.

Ойнурга зимдан қарадим. У ерга қараганча гул-гул ёниб ўтирарди. Менинг эса шодлигим оламга сиғмас эди.

Туроб АКБАРХҲАЕВ



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзил: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар —
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Хўжам — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
5252 нускада босилади. Қўроқ биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрият таъкид бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўғимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-7405 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.